Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 11 ноябрь, шанба. №138. (21.901) Сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикада жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш ишларида фаол иштирок этганликлари учун қуйидаги ички ишлар идоралари ходимлари мукофотлансин:

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН:

АЮПОВ Алишер Каримович (марҳум) — Жиззах вилояти Зарбдор тумани ички ишлар бўлимининг милиционери;

АЛИБЕКОВ Муҳаммаджон Ирискулович (марҳум) — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси жамоат тартибини сақлаш бўлимининг милиция бўлинмаси милиционери;

АМИНЖОНОВ Мўмин Тўлаганович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув бош бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили;

ЗОЙИРОВ Ражаб — Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси жамоат тартибини сақлаш хизматининг патруль-пост взводи милиционери;

ЛИ Виктор — Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили ;

МАМАТҚУЛОВ Адҳамжон Алиевич — Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармасининг патруль-пост хизмати взвод сардори;

МАЪМУРОВ Рустамжон Холмирзаевич — Наманган вилояти Чортоқ тумани ички ишлар бўлимининг жиноят қидирув бўлинмаси бошлиғи;

ПАНЖИЕВ Сафар Абдиевич — Сурхондарё вилояти Бойсун тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув гуруҳи катта тезкор вакили;

РАЖАБОВ Жуманазар Раимович (марҳум) — Хоразм вилояти Урганч шаҳар ички ишлар бўлимининг патруль-пост хизмати милиционери;

СРАШОВ Тазабай Юнусович — Нукус шаҳар ички ишлар бўлими жамоат тартибини сақлаш гуруҳининг катта инспектори;

СТАРОДУБОВ Юрий Александрович — Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси қидирув милицияси хизмати жиноят қидирув бошқармаси бўлими бошлиғининг ўринбосари;

ТЎХТАҚУЛОВ Турсунбой Ортиқович — Тошкент вилояти Бекобод тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлинмасининг катта тезкор вакили;

ХУДОЙБЕРДИЕВ Нажмиддин Амирович — Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари — қидирув милицияси хизмати бошлиғи;

ЭГАМБЕРДИЕВ Шуҳрат Норпўлатович — Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг взвод милиционери;

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН:

АБДУЛЛАЕВ Ғанижон Паттаржонович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув бошқармасининг биринчи бошқарма бошлиғи ўринбосари;

АБДУНАБИЕВ Жабборқул Маматмусаевич — Сирдарё вилояти Янгиер шаҳар ички ишлар бўлимининг жиноятчиликнинг олдини олиш бўлими бошлиғи;

АШУРОВ Абдулқосим Мамадалиевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти тактика ва умумҳарбий кафедрасининг катта ўқитувчиси;

БОТИРАЛИЕВ Пўлат Ҳакимович — Навоий вилояти ички ишлар бошқармаси ўқув маркази бошлиғи;

ВАСИЕВ Тоҳиржон Одилович — Наманган шаҳар ички ишлар бўлими жамоат тартибини сақлаш хизматининг катта инспектори;

ЖАМОЛОВ Тожихўжа — Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бошқармаси 1-шаҳар милиция бўлими бошлиғининг ўринбосари;

ИКРАМОВ Ўткир Қосимович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги нақлиёт ички ишлар бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғининг ўринбосари;

ИСЛОМОВ Содиқ Кудратович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ахлоқ тузатиш ишлари бошқармаси тергов ҳибсхонасининг бошлиғи;

ИРГАШЕВ Рустам Баротович — Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси ташкилий назорат бўлими оператив бўлинмаси бошлиғининг ёрдамчиси;

КАРИМОВ Абдухалил Набиевич — Жиззах вилояти Зомин тумани ички ишлар бўлими милиция участка вакили;

МАШАРИБОВ Рустам Аминович — Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлинмасининг тезкор вакили;

МАВЛОНОВ Араббой — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси тергов бўлими бошлиғининг ўринбосари;

МАҲМУДОВ Мирасқар Ҳайдарович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғиндан сақлаш олий техника мактаби умумму-ҳандислик фанлари кафедраси доценти;

НИЁЗМЕТОВ Аҳмаджон Бобожонович — Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бошқармасининг катта тезкор вакили;

ТЕМИРОВ Турдибой Бўриевич — Сурхондарё вилояти Денов шаҳар ички ишлар бўлимининг милиция катта участка вакили;

ТУРСУНМУҲАМЕДОВ Раҳмонали Мухторович — Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлимининг милиция участка катта инспектори;

УСМОНОВ Шавкат Низомович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчиси;

ХАЙРИЕВ Йўлдош Шарипович — Бухоро вилояти Ғиждувон тумани ички ишлар бўлимининг милиция участка вакили;

ҲАЙДАРОВ Вагиз Улфатович — Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари;

ЯКУБОВ Александр Санжарович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг жиноят ҳуқуқи кафедраси бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 9 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарори

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ***ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси 1995 йил 21 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 9 ноябрь.

***

Олий Мажлис тўртинчи сессиясининг муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш мўлжалланмоқда:

1. Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва Давлат бюджетининг 1996 йилги истиқбол кўрсаткичлари тўғрисида.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.

3. Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.

4. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).

5. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси лойиҳаси тўғрисида (иккинчи ўқишда).

6. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси биринчи қисмининг лойиҳаси тўғрисида (иккинчи ўқишда).

7. Ўзбекистон Республикасида депутатни чақириб олиш тартиби тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.

8. Наслчилик чорвачилиги тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.

9. Архитектура ва шаҳарсозлик тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.

10. Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.

11. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.

12. Айрим қонунларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.

13. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судини сайлаш тўғрисида.

Депутатлар муҳокамасига ана шу масалалар билан бир қаторда Олий Мажлиснинг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам ҳавола этиш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

С. С. РЎЗИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Собиржон Собитович Рўзиев Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитасининг президенти этиб сайланганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 10 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Б. МАХСИТОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Баҳодир Махситов Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 10 ноябрь.

РАСМИЙ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН

Келишувга мувофиқ, Покистон Ислом Республикасининг Бош вазири Беназир Бхутто шу йил 11 ноябрда расмий амалий ташриф билан Ўзбекистон Республикасига келади.

(ЎзА).

ЙИЛ БАРАКАЛИ КЕЛДИ

Раим РАҲМОНОВ,
Қашқадарё вилояти ҳокимининг ўринбосари

Пахта ва унинг машаққати хусусида кўп гапирилади. Меҳнат аҳли эрта баҳорда барака уруғини қадаб, кузда унинг маҳсулини кўради. Шуларни ўйлар экансан, нима бўлганда ҳам кўнглинг фарахбахш туйғуларга тўлади. Юрагинг орзиқиб кетади. Чунки бугун вилоятимиз пахтакорлари зафар маррасига етиб келдилар. Республика хирмонига 420 минг тонна Қашқадарё пахтаси топширилди.

Бу меҳнат ғалабасида вилоятимиздаги ҳар бир кишининг тегишли улуши бор. Ушбу зафарни сўз билан ифодалаш қийин. Негаки, бу дақиқаларни ҳар биримиз интиқлик билан кутдик ва баҳоли қудрат ҳаракат қилдик.

Шуни таъкидлаш жоизки, даставвал йилнинг деҳқончилик учун ноқулай келиши вилоятда ғоят долзарб бўлган сув тақчиллиги муаммосининг янада кескинлашишига олиб келди.

Яна бир нарса: ўтган йили 182—290 минг гектар майдонда чигит экиб, 441 минг тонна ҳосил етиштиргандик. Бу йил кечки такрорий экилган чигитларни қўшиб ҳисоблаганда ҳам умумий пахта майдонимиз 10 минг гектарга камайиб кетди. Лекин режа ўша — 420 минг тонналигича қолди. Бу эса вилоятимиз пахтакорлари зиммасига улкан масъулият юклади.

Воҳамиз пахтакорлари бу қийинчиликларга, табиат инжиқликларига мардона бардош бердилар. Ўтган йилнинг режасида белгиланган миқдордаги ҳосил етиштирилди. Бунда пахтакорларимизнинг тадбиркорлик билан иш тутиб, эътиборни ҳосилдорликни оширишга қаратганликлари, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланганликлари қўл келди.

Вилоятда яратилган хирмонга Қамаши, Касби, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Қарши, Ғузор, Баҳористон туманлари пахтакорларининг қўшган улушлари салмоқли бўлди. Қамаши туманидаги «Чим», «Оқработ», Баҳористон туманидаги «Олтинбошоқ», Касби туманидаги «Ғалаба», «Пахтакор», Шароф Рашидов номли, Ғузор туманидаги «Тоҳир — Зуҳра», Абдулла Турсунов номли, Муборак туманидаги «Гулистон», «Қарлиқ», Нишон туманидаги Чўли Бегимқулов номли, Ҳамро Равшанов, Холмўмин Раҳимов, шаҳрисабзлик Ахтам Акромов, Иноб Зиёдов, Шавкат Нурбобоев, қамашилик Ражаббой Зоиров, Тўра Ниёзов, Самад Ғаффоров, Турдиали Рўзиев, Эломон Ҳолиқовлар сингари юзлаб тажрибали бригада бошлиқлари номларини самимият билан тилга олиш ўринлидир.

Пахтакорларимиз эришган бугунги ғалаба қишлоқларимизда иқтисодий ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилаётганлиги, меҳнаткашларимизда мулкка эгалик ҳисси кучайиб бораётганлигининг ёрқин мисолидир. Эндиликда хўжаликларимиз режадан ташқари етиштирилган пахта ҳосилининг ҳаммасини, режадагининг 40 фоизини ўзларида қолдириб, ундан оқилона фойдаланиш имкониятига эгалар. Айниқса, Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан пахта харид нархларини ошириш, пахтакорларга ҳақ тўлашни ташкил этиш юзасидан қабул қилинган кейинги ҳужжатлар қашқадарёликларга маънавий ва моддий руҳ бағишлади. Оммавий сафарбарлик эълон қилингани, дала меҳнаткашларига етарли шарт-шароитлар яратилиб, ҳар беш кунда терилган пахта учун пул тўлаб бориш йўлга қўйилгани ҳам самарасини кўрсатди.

Саъй-ҳаракатлар фақат моддий манфаатдорликгагина асосланиб қолмай, чуқур ватанпарварлик туйғулари билан ҳам йўғрилди. Шундай масъулиятли дамларда эл-улуснинг республика раҳбарияти, Президентимиз билан мақсад ва маслаги, орзу-умиди бир эканлиги яққол кўринди ва синовдан ўтди. Демак, бирдамлик бор экан, рўпарамизда пайдо бўлаётган бошқа муаммоларнинг ҳам албатта ўз ечимини топишига аминмиз.

Вилоятимиз республикада пахта хом ашёси етиштиришда салмоғи катта бўлиши билан бир қаторда халқ хўжалигининг бошқа қатор тармоқларида ҳам етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Республикада дон мустақиллигини таъминлашдек саховатли ишга муносиб ҳисса қўшиш учун астойдил бел боғлаган ғаллакорларимиз бу йил бошоқли дон топшириш ҳажмини ўтган йилга қараганда 100 минг тоннага кўпайтирдилар.

Эришилаётган бу катта-кичик ютуқларда меҳнаткашларимизнинг эртанги кунга комил ишонч билан қарашлари, эл-юрт фаровонлиги йўлида дадиллик билан иш тутаётганликлари асосий омил бўлмоқда. Ҳамюртларимизнинг қонига сингиб кетган ҳалол меҳнат, уюшқоқлик, фидойилик сингари фазилатлар қўлга киритаётган муваффақиятларимизнинг гарови, деб ўйлаймиз.

Пахтакорларимизнинг улуғ бобомиз Амир Темур таваллуд топганининг 660 йиллиги, республикамиз мустақиллигининг беш йиллиги нишонланадиган келгуси йилда юксак хирмон учун қўяётган мустаҳкам пойдеворлари, қадаётган уруғлари баракали бўлсин, деймиз.

«Оқ олтин — 95»

Мустақиллик манзаралари



ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛЛАРИ: ЮҚОРИ НУҚТА.

Владимир МОЛГАЧЁВ олган сурат.

СЎМНИНГ ҚАДРИНИ ОШИРАЙЛИК!

Истиқлол ва истиқбол

Сўмимиз муомалага киритилганига ҳам бир йилдан кўпроқ вақт ўтди. Мустақиллигимиз тарихи зарварақларида ўрин олган ушбу кун давлатчилигимиз сари ташланган муҳим қадамлардан биридир.

Айтмоқчимизки, одамларда миллий валютага ишонч қанча юқори бўлса, унинг қадри ҳам шунга мутаносиб равишда юқори бўлади. Аксинча пул муомаласи, эмиссияси, кредит сиёсати иқтисодий қонуниятларга қанчалик амал қилиб бажарилмаса, одамларда шу валютага ишонч шакллантирилмаса, бу валюта инқирозга маҳкум бўлади. Чунки, пулнинг барқарорлиги ва аҳолининг унга бўлган ишончи ўртасида бевосита мутаносиблик мавжуд.

Одамларнинг пулга муносабати шу мамлакат валютасига қандай таъсир қилишига Саудия Арабистони пул бирлиги—риёл мисолида ҳам гувоҳ бўлдик. Риёл «қаттиқ» валюта ҳисобланмаса ҳам унинг курси бир неча йиллардан буён барқарор бўлиб турипти. Бунинг сабабини эса Макка, Жидда шаҳарларидаги савдо расталарида бўлганимизда тушундик. Масалан, Арабистон шаҳарларида харид қилинган мол эвазига АҚШ долларидан берсак, маҳаллий дўкондорлардан бирортаси ҳам уни олмади. Уларнинг барчаси, ўзимизнинг пулдан, яъни риёлдан беринг дейишди. Улар дўконларидан бир неча қадам наридаги пул алмаштирадиган саррофхонада долларни риёлга алмаштириб олишлари мумкин бўлса ҳам барчалари, биз Саудия Арабистони фуқаросимиз, шунинг учун фақат риёлга савдо қиламиз, деб таъкидлашди.

Мадина шаҳрида бўлган бир воқеа эсимдан чиқмайди. Юртимизга қайтиш муддати яқинлашгани учун совға-салом олиш ниятида бир дўконга кирдим. Баъзи нарсалар сотиб олган бўлдим. Киссага қарасам, риёллар тугаб, фақат доллар қолган экан. Яқин орада саррофхона ҳам бору, лекин тушлик пайти бўлгани учун у ёпиқ экан. Дўкондорга мурожаат қилдим: «Тақсир, ёнимда фақат АҚШ доллари бор экан. Саррофлар эса тушлик танаффусга чиқишипти. Долларидан олиб қўя қолмайсизми?» Дўкондор бироз ўйланиб туриб жавоб қилди:

«Хижолат бўлманг. Молларни олиб кетаверинг. Пулини эртами-индин риёл бўлганда ташлаб қўярсиз».

Дўкондорнинг жавоби мени бир томондан таажжублантирса, иккинчи томондан ҳайратлантирди. Бу дўкондор менинг исмим, шарифим у ёқда турсин, қайси мамлакатдан келганимни ҳам билмайди. Шунга қарамай, нақд униб турган долларни олиш ўрнига кейин берарсиз, деяпти. Шу ҳодиса мени саудияликларнинг ўз пулларига ҳурмати ва ишончи риёлнинг курси барқарорлигини таъминлаётганига яна бир бор ишонтирди.

Бизда эса баъзи фуқаролар фақат сўмни долларга айлантириб, сандиқда сақламоқдалар. Шу ҳолатни таҳлил қилиб кўрилса, чет элдан келтираётган доллар юртимизга келгач, муомаладан чиқаётганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Чунки, пул бир жойда ҳаракатсиз тургач, ўлик қоғозга айланиб қоляпти.

Ўлик қоғозга айланаётган ўша доллар чет эллардан бекорга келтирилмайди. Улар Ўзбекистондан чиқарилаётган пахта толаси, олтин ёки бошқа маҳсулотлар эвазига олиб келинмоқда. Яхшироқ ўйлаб кўрилса, бир қизиқ хулосага келиш мумкин. Долларнинг айрим фуқаролар қўлида йиғилиб, «ҳаракатсиз» ётиши уни бераётган ўша саноати ривожланган мамлакатлар юртимизга ёрдам қилмаётгани, балки, бунинг аксича ўша ўлик қоғозга айланаётган доллар эвазига турли маҳсулотлар бераётган Ўзбекистонимиз уларга ёрдам қилаётганига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

АҚШ долларига ишониб, бор пулларини долларга айлантириб сақлаётган баъзи ҳамюртларимиз 1995 йилнинг биринчи чораги охирида ва иккинчи чорагида АҚШ долларининг курси барча халқаро вилюта биржаларида муттасил равишда пастлаб бораётганини билишмаса керак.

Ўзбекистонда сўмнинг барқарорлигини таъминлаш учун тегишли ҳуқуқий ва иқтисодий чоралар кўрилди. Айниқса, юртбошимиз И. А. Каримовнинг Олий Мажлис биринчи сессиясидаги нутқида айтилганидай, инфляцияга қарши чоралар кўрилаётгани, бу чоралар доимо ҳукуматнинг диққат марказида бўлиши сўмга бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Пулнинг қадрсизланишига, инфляцияга қарши сиёсат олиб боришнинг зарурлиги пулнинг моҳияти ва табиатидаги жумбоқли зиддият билан боғлиқ. Пул шундай нарсаки, алоҳида фуқароларда у қанчалик кўпайса, ўша фуқаролар шунча бойийдилар. Лекин мамлакат миқёсида маҳсулот ҳажмига номутаносиб равишда пул қанчалик кўпайса, ўша мамлакат шунчалик камбағаллашади.

Фуқароларнинг миллий пулими—сўмга ҳурмат ва ишончи муҳим омиллардан биридир. Пулимизнинг қадри охир-оқибатда ўзимизга боғлиқ. Унга қанчалик ишонсак, унинг қадри шунчалик баланд бўлади.

Абдуллажон ҳожи БЕГМАТОВ,
Андижон иқтисодиёт ва бошқарув институти кафедра мудири, профессор.



Наманган шаҳри яқинида «Мададкор» хусусий корпорацияси билан Туркиянинг «Астаф» фирмаси ҳамкорлигида «Аснамтекстилль» ип-йигирув қўшма корхонаси бунёд этилди. Корхонада 250 киши замонавий дастгоҳларда маҳсулот тайёрлашмоқда. Бу дастгоҳлар Германиядан келтирилган. Корхона шу йилнинг декабрь ойида тўлиқ ишга туширилади. Унинг маҳсулотлари ўзининг сифатлилиги билан ажралиб туради.

СУРАТЛАРДА: 1. Фабрикaнинг янги қурилган биносини қабул қилиш комиссияси аъзолари корхона вакиллари билан. 2. Тўқувчи Жамила Низомова. 3. Россиялик монтажчи Владимир Чжен. 4. Тўқувчи Зуҳра Сотимова.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ФИЛ СУЯГИ УЧУН ОЛИЙ ЖАЗО

ХИТОЙНИНГ Юньнчань туманида фил суяги билан савдо қилувчи тўрт нафар браконьер қатл этилди. Хитой олий халқ судининг хабар қилишича, мамлакат қонунида камайиб бораётган Осиё филларини ўлдирганларга олий жазо берилади. Қатл омма олдида ижро этилди.

150 КИШИ ЖАРОҲАТЛАНДИ

БАНГЛАДЕШ пойтахти Даккада полициячилар билан мамлакатда энг йирик мухолифат партия ҳисобланган — халқ лигаси тарафдорлари ўртасида бўлиб ўтган тўқнашувда қарийб 150 нафар киши жароҳатланди. Халқ лигаси тарафдорлари ҳукуматга қарши митинг уюштирган эди. Уларни тарқатиб юбориш учун эса хавфсизлик кучлари қисмлари сафарбар этилди. Бир неча партия йўлбошчилари қамоққа олинди.

ТЎП ОТИШ БИЛАН ЧЕКЛАНИШМОҚДА

«ТОЛИБОН» Ислом мухолифат ҳаракати Қобул шаҳрини яна тўплардан ўққа тутди. Бир нечта реактив снарядлар Қобул аэропорти ёнида портлади. Шунингдек, Президент саройи ҳам ўққа тутилган. Афғонистон ҳукумати вакилининг таъкидлашича, ҳукумат қўшинлари билан толиблар ҳозирча фаол ҳарбий ҳаракат қилмай, фақат тўп отиш билан чекланмоқда.

ЯНА БИР КИШИ ҲИБСГА ОЛИНДИ

ИСРОИЛ полицияси Бош вазир Исҳоқ Рабинга уюштирилган суиқасд иштирокчиси сифатида шубҳа қилинаётган яна бир кишини ҳибсга олди. Полициячилар унга қандай айб қўйилаётгани ҳақида ҳозирча маълумот бермади.

ҚЎПОРУВЧИ ТАСЛИМ БЎЛДИ

ГРЕЦИЯНИНГ «Олимпик эйруэйз» авиакомпаниясига қарашли самолётни олиб қочишга уринган Эфиопия фуқароси Афина шаҳри полициячиларига таслим бўлди. У Бангкок-Афина йўналиши бўйлаб парвоз қилаётган «Боинг-747» самолётида стюардессани гаровга олган эди.

ДАВЛАТ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ БАЁНОТИ

«АМЕРИКА Қўшма Штатлари ҳукумати Эдуард Шеварднадзени Грузия Президенти этиб сайлангани билан табриклайди», деб баёнот берди АҚШ давлат департаментининг расмий вакили Николас Бернс. Шунингдек, биз Грузия ҳукуматини ва халқини ҳам республика конституцияси асосида бўлиб ўтган сайлов билан қутлаймиз, деди у.

ГЕНЕРАЛ ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДИНИ ҚЎЙМАЙДИ

АҚШнинг истеъфодаги генерали Колин Пауэлл 1996 йил бўлиб ўтадиган Президент сайловида ўзининг номзодини кўрсатмаслигини эълон қилди. Президентлик лавозимига асосий даъвогарлардан бири дея ҳисобланаётган Колин Пауэлл республика партиясининг оддий аъзоси сифатида фаолият кўрсатишини таъкидлади.

МОЛИЯВИЙ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

МЕКСИКАНИНГ Керетаро шаҳрида Гватемаланинг ҳукумат делегацияси билан сўл исёнчилар ўртасидаги музокораларнинг навбатдаги босқичи бўлди. БМТ вакили воситачилигида ёпиқ эшиклар ортида ўтган музокараларда мамлакатнинг молиявий сиёсати билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди, дейилади шу мавзудаги хабарда.

КЕНГАШ ЖАЗО ЧОРАЛАРИНИ БЕКОР ҚИЛИШДАН ЯНА БОШ ТОРТДИ

БМТнинг Хавфсизлик кенгаши Ироққа қарши қўлланилаётган иқтисодий жазо чораларини бекор қилишдан 28-марта бош тортди. Маълумки, Ироққа қўлланилаётган жазо чораларини муҳокама этиш учун ҳар икки ойда БМТ қошида маслаҳат кенгаши бўлиб ўтади. Буюк Британиянинг БМТдаги вакили Жон Уэстон навбатдаги маслаҳат кенгашидан кейин журналистларга шу ҳақда хабар берди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Дунёнинг дарз кетган жойлари

БАРМОҚ УЧИДАГИ КЎЗ

ёхуд кўзи ожизлар қандоқ ўқийдилар?

(Эссе-мақола)

Мен қоронғумен. Сиз мунавварсиз. Сизни топгунча кўр эдим. Топиб кўзимга нур инди. Мунаввар кўнглимга кирдингиз. Кўнглим мунаввар бўлди. Дунё кўнглимга кирди. Кўзим очилиб кетди. Ишқим сочилиб кетди. Мен гуногун рангларни танидим. Ҳайратларни, ҳасратларни кўрдим. Сизга дуч келгунча кўр эканман... Ёзнинг иссиқ кунларидан бири эди. Хонага сиз кириб келдингиз. Сочбармоқ-қош-кўзларингиз замонавий тарбия кўрган. Шамшод, балки сарвсиз. Бир даста гул мисол чайқаласиз, юзимга мушк анбар сепасиз. Кўксимда ўлиб ётган юрагим тирилади, кўкаради, гуллайди. Англайман, кўзим очиқлигию қалбим кўрлигидан қанча фурсат зулматда яшабман. Ҳайҳот, кимики дилида ишқ тирик бўлса-ю кўр десалар ишонманг. Зеро, ҳақни дил ила танурлар. Энди, равшанлик бобида қора чуғга (қорачиққа) кўзнинг оқи қанчалар эҳтиёжли бўлса, мен-да сизга шунчалар муҳтожмен. Энди сизсиз куним шабистонга, кўзим шаъмистонга айланади.

Бу ёруғ дунё нақадар гўзал! Мунаввар! Ажабким, бу ёруғлик, бу гўзаллик озаймайди, кўпаяди. Фақат уни кўрадиган кўз керак. Кўнгил кўзи. Кимики кўнгил кўзи кўр бўлса, дунё пул , мол, буюмдан жам кўринади. Мунаввар муҳаббат сизнинг кўнглингиз кўзини очди. Сўзларимга ишонмадингиз, кетиб қолдингиз. Кўзинг очиқ, лекин кўнглинг кўр деб айтдингиз. Кетганингиздан буён ҳар куни сизга мактуб битаман. Қаламда эмас, игна билан ёзаман бу хатларни. Миз устида қолдираман. Ишонаман, кун келиб мени соғинасиз ва излайсиз. Ўшанда мен топилмайман. Атайин топилмайман. Қўлингиз етгудек жойда буламан, лекин тутқич бермайман. Чунки, сизни соғинавериб, йўл қарайвериб, аввал кўзим тўрт бўлди, кейин кўр бўлди. Кўрликда мен ҳур бўлдим. Бугун мен сизни худди шундай қидираман. Тун-кун тополмай қидираман-сизними, ўзимними? Ҳеч нарсани кўрмайман. Кўрмасам ҳам адашмай сизни топиб бораман.

Бу норасо дунёда чиндан кўрлар оз эмас. Ҳар қитъада, ҳар кишвар, ҳар эл, ҳар шаҳарда бор улар. Ахир, бу қисматни ҳамма ҳам тан олавермайди. Улар учун давлат хазинасидан маблағ ажратилади. Бундан кўзи ожизлар бутунлай давлат ҳисобида яшар экан, деган нотўғри хулоса чиқмасин. Вилоятлар, туман ва шаҳарларда уларнинг турли шакл ва турдаги ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд. Бу корхоналарда кўзи ожизлар ҳалол меҳнат қилиб, ҳалол ризқ топадилар. Яъни, ҳар турли истеъмол моллари, нимтайёр ёхуд тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадилар. Шубҳасиз, улардан айримларини дўконлардан сиз ҳам сотиб олгансиз. Кўзи ожизлар тайёрлаган маҳсулотлардан ўз ҳаётингизда фойдалангансиз. Ҳа, кўзи ожизлар бутунлай боқиманда эмас. Улар истеъмол бозорини товар билан тўлдиришда баҳоли қудрат ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Ҳаммамиз ҳам ҳар гал маош олаётганда хомуш қоламиз: нега бунча кўп солиқ ушланади? Билсангиз, шу солиқнинг бир қисми кўзи ожизлар учун сарфланади. Ахир, кўчадаги кўзи ожиз гадога ҳам бир қоғоз пул хайр-садақа қилиб ўтасиз-ку...

Дил куймагунча то, ундан чиқмайди садо. Дунёда нечта кўзи ожиз бўлса, уларнинг ҳамаси муҳаббатнинг зўридан кўр бўлган. Улар шу оддий ва ғаройиб ҳаётни, шу беш кунлик ва абадият дунёни кўрмай қолиш даражасида қаттиқ севадилар. Севишдан толмайдилар. Кўрлар тонгни, тунни, гулни, гул бўйини, булбулни, булбул хонишини, камалак ва унинг рангини севадилар. Отаонани, опа-сингилни, оға-инини, орзу ва умидни, кулгу ва йиғини, кувонч ва қайғуни — тирикликни севадилар. Мен ҳар куни беэътибор топтагувчи тупроқни, ерда ётган хасни, осмонларда учаётган қушни ва шуларнинг ҳаммасини севадилар. Тирикликни булардан-да ортиқроқ севадилар. Шу муҳаббат уларнинг кўзини кўр қилган. Муҳаббатнинг кўзи кўр, дейдилар-ку. Ишқ уларнинг кўнгил кўзини очган. Одам (лугавий маъноси) ернинг устки қатламидан яратилган. Шунинг учун унинг тупроғи енгил. Бу тупроқ қайдан олинган бўлса, ўша ер инсонга Ватан. У яна ўша кетган ерига қайтиб келади. Шу маънода, Ватан жуғрофий ҳудуд эмас, инсоннинг ўзи, яъни қалб мулки.

Кўрнинг ватани — кўз. Бу Ватан бармоқ учларида жойлашган. Кўзи ожиз дунёни бармоқ учидаги кўз билан ўқийди. Бармоғини ўйиб ёзилган қоғозга қўйишдаёқ ич-ичидан товуш оқиб келаверади: «Мунаввар ... сизни соғиндим...» «...мени кўзи кўр деманг, мен ҳам севаман, қаттиқ сева оламан...», «... мени ёлғиз ташлаб кетманг, кўр бўлсам-да юрагим бор, севаман...» Дунёни ҳайқириқ тутиб кетади: кўрлар ҳам севадилар! Уларни ёлғизлатиб қўйманг, севинг уларни! Кўрларга муҳаббат беринг. Чунки кўзи ожизлар ёлғон гапиришни билмайди. Уларнинг илтижо ва муҳаббатталабликларида ҳақ, ҳақиқат бор.

Ўзгага муҳаббат тутишга қодирлар дунёда етарли. Кўзи ожизларга яқинроқ бўлинг, деймиз уларга . Ва пойтахтнинг Паркент йўли ёқасида жойлашган Охунбобоев номидаги кўзи ожизлар мактаб-интернатига борамиз. Мактаб пойдеворининг биринчи ғиштини Йўлдош Охунбобоев қўйган экан. Мактаб ҳовлисига қадам қўйишингиз биланоқ кўзи ожизлар жамиятга муносабат даражасини кўрасиз. Менда шундай таассурот қолди: интернат, ҳовли, омонат турган паст-баланд бинолар. Ярми замонавий, қулай ва мослаштириб қурилган ётоқхоналар ва мактаб биноси. Дарахтлар, гулзорлар. Хуллас, ҳамма жой ва ҳамма ерда бўлгани каби яхши билан ёмон аралаш, қоришиқ. Интернатда 4 ёшдан 18-19 ёшгача бўлган болалар, ўсмир йигит-қизлар ўқитилади. Бу ўқув масканида таълим билан тарбия баробар олиб борилади. Аммо, таълим ҳам, тарбия ҳам бошқа мактабдаги таълим-тарбиядан фарқ қилади. Нимаси билан? Аввало бу мактабда бармоқ билан ўқийдилар. Бу бармоқлар нафақат ҳарф танийди, балки фикрлайди, севади, ҳатто нафратланади ҳам. Илм тошда гул ундиради. Француз олими Луи Брайлл кўзи ожизларнинг ўқиш-ёзишини жаҳонда биринчи марта маълум бир тизимга солиб, бир илм, бир фан сифатида ишлаб чиқди. Бунинг ўзи бир илм. У ўз ижодкорининг номи билан Брайл тизими дейилади. Кўзи ожизлар махсус темир қолипларда ёзадилар. Қолип бир хил катакчалардан иборат. Қолип махсус қоғоз сиртига қўйилади ва махсус бигиз билан ҳар катакка фақат биттадан ҳарф ўйилади. Ҳар ҳарф ўз шаклига эга. Ҳарфлар нуқталар сонига кўра фарқланади. Ҳар катакда олтитагача нуқта ўйиш билан «ёзилади». Бу қолипда илгари ўн иккитагача нуқта ўйилган. Кейинчалик, ўқиш-ёзиш осон бўлсин учун соддалаштирилиб, нуқталар сони тенг ярмига қисқартирилган. Нуқталар ўзра бармоқ юргизилади ва бармоқ учи билан ҳис этиш орқали «ёзув» «ўқилади». Мазкур алифбо ер юзидаги жами кўзи ожизлар учун ягона. Тили, миллатидан қатъи назар, улар ягона шу алифбодан фойдаланадилар.

Кўзи ожизлар мактаб-интернатларида ўн икки йил ўқиб ўрта мактаб дастурини тўла ўзлаштирадилар. Мактабдан ташқари, кўзи ожизлик туғма бўлса ёки аломатлари жуда эрта билинса, бундай болаларни шу мактаблар қошида ташкил этилган махсус боғчаяслиларга ҳам қўйиш мумкин. Бундай боғча ва мактаблар тарбияланувчиларининг тафаккури буюм ва нарсаларни тутиб кўриш, эшитиш, ҳис қилиш, ҳид билиш каби сезгилар ёрдамида ўстирилади. Улар суҳбатдошнинг овоз оҳангидан жуда кўп маъно англайдилар. Сезги кўзи ожизларнинг тафаккури ривожланишида жуда муҳим омилдир. Вужуд табиий равишда кўришнинг камини бошқа сезгиларнинг ўткирлиги билан тўлдиришга интилади.

Кўзи ожизликнинг илдизи қаерда? Бу саволга мутахассис мухтасар жавоб беради: туғма бўлиши мумкин. Яъни, у касаллик сифатида ирсиятда яшайди. Кўздаги маълум касаллик, камчиликка ўз вақтида эътибор бермаслик, даволамаслик ёинки бахтсиз ҳодисалар туфайли пайдо бўлади. Бош қисмга олинган тан жароҳатидан, ҳатто ҳаётий муҳим ички аъзолардан бирининг хасталигидан, болаларда — қизамиқдан бўлиши ҳам мумкин. Баъзан оғриган кўзни нотўғри даволашдан... Пиёниста, фоҳиша, гиёҳванд... ёки бошқа шунга ўхшаш иллатлар билан мунтазам шуғулланиш оқибатида организмда руҳий ва жисмоний мувозанат бузилади. Бундай ота-оналардан кўзи ожиз фарзандлар бино бўлиши мумкин.

Кўзи ожизлар мактабида ўқиш-ёзишдан ташқари яшашга ҳам ўқитилади. Меҳнат дарсларида қизлар қозон-товоққа, игна-ипга ўргатилади. Махсус ошхона - синфхонада гугуртдан газ-плитагача, санчқидан кафтгиргача бор. Қотирилган махсус полиз маҳсулотлари ва мевалар идиш-товоқларда териб қўйилган. Улар ҳақиқийсига жуда ўхшайди. Қизлар пайпаслаб тутиб, помидорни картошкадан, сабзини бодрингдан, меваларни ҳам худди шундай бехато ажрата оладилар. Меҳнат ўқитувчиси ҳар хил суюқ ва қуюқ овқатлар, шакароблар, нон, турли қулчалардан тортгача пиширишни, тайёрлашни ўргатади. Улар бундай таомларни қойилмақом тарзда пишира оладилар. Байрамларда, дугоналарининг туғилган кунларида навраста қизларнинг ўзлари дастурхонни байрамона безайдилар.

Махсус тикувчилик хонасида эса қизлар игна-ипдан, тиқув машинасидан фойдаланишни ўрганадилар. Улар ўзлари тиккан ҳар хил уст-бош кийимларни кўргазмага қўйишган. Бу гапларни хонада ўтириб, қоғозга ёзиш осон. Аммо бу даражага эришиш, айниқса кўзи ожизлар учун ниҳоятда қийин. Кўзи ожизнинг игна тешигидан ип ўтказишининг ўзида йиллар мобайнида чекилган заҳмат, муттасил интилиш, сўнмас умид, ҳаётни севиш, кўр бўлиб-да тирикликдан завқланиш туйғуси ётади. Кўзинг очиқ бўлса-да, ҳаётдан кўнглинг қолади, баъзан. Турмуш-турмуш-да, баъзида унга туриб бериш қийин. Шундай пайтларда кўрларни кўз олдингга келтириб кўргин, уларнинг машаққатини кўз олдингдан лип этказиб ўтказ. Ўшанда ўзўзингдан уялиб кетасан. Бошқа нарсалар майли, ҳаммаси ўз йўлига, кўзинг очиқлиги учунгина минг карра шукр, ҳаёлинг бўлинганлигидан тавба-тазарру қиласан. Ўзига ўт қўяётганлар, ўз жонига бошқа ҳар хил йўллар билан қасд қилаётганлар нақадар иродасиз, бардошсиз эканлигига ишонасан.

Ўғил болалар учун алоҳида меҳнат синфхоналари мавжуд. Улар болта, теша, болга каби иш қуролларидан фойдаланишни ўрганадилар. Мих қоқадилар, ёғоч рандалайдилар. Уй-рўзғорда ишлатиладиган унча-мунча жиҳозларни ясайдилар. Улар бажараётган ишларини кўрмайдилар, аммо ўз кафтларида силаб-сийпаб «кўрадилар». Энг қизиғи, бармоқларнинг «нигоҳи» бу қадар ўткирлигига қойил қоласан.

Ўсмир йигит-қизлар шу тариқа яшашга «ўқитилади».

Уларнинг кўзлари кўрмайди. Кўзи ожизлар ўн икки йиллик «ўрта маълумот» олгач, одатдаги имтиҳонлардан ўта олсалар, олий ўқув юртларида, техникумларда ўқишни давом эттиришлари мумкин. Тегишли маълумот олгач, халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қиладилар. Ногиронлар, кўзи ожизлар ишлайдиган махсус корхоналар ҳам бор.

Кўзи ожизлар мактабида уй ва мактаб шароити, руҳияти уйғунлашган. Ўқитувчи-тарбиячилар ўзларининг бу вазифаларидан ташқари болаларга маълум маънода ота-она ҳамдирлар. «Бу ерда тарбиячилик оналик билан баробар олиб борилади, — дейди 23 йилдан буён шу мактабда ишлаётган Динора Хўжамқулова. — Чунки болалар ойлаб ота-она, ака-ука, уй муҳитидан узоқ яшайдилар. Биз бу ерда ётоқхоналаримизни жамоа жойига эмас, иложи борича уй-рўзғорга яқинлаштирамиз. Ўқувчиларимизга меҳмон кутиш, байрамларни ўтказишни ўргатамиз. Бу борадаги барча саъй-ҳаракатларимизни миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз негизида кўрамиз. Интернатда республикамизнинг турли вилоятларидан, қўшни Тожикистон ва Қозоғистон республикаларидан келган 295 нафар болалар ва ўсмирлар тарбияланадилар.

Мактабда ўқиётганларнинг руҳияти қандай? Бу мурғак руҳиятларда қандай ўзгаришлар кечмоқда? Бу ерда ҳар бир ўқувчи фақат билим олишга эмас, бахтга, муҳаббатга, ҳаётга чинакамига интилади. Ҳаётга сингиб, қўшилиб кетишга ҳаракат қилади. Чунки, ногирон фарзандни ота-она уйда асосан бир ерда ўтиргизиб қўяди. Унинг ақлий, руҳий, жисмоний тарбияси билан лозим даражада шуғуллана олмайди. Истамаганликлари, ногирон фарзандни ёмон кўрганликлари учун эмас, балки ногирон болани тарбиялаш, йўриғини билмаганликлари учун шундай бўлади. Натижада, ногиронлар тенг-тўшларидан, уларнинг ранг-баранг оламидан узилиб қоладилар. Жисмоний ва ақлий ривожланишлари сусаяди. Энг ёмони, ўзларини жамият учун кераксиздек ҳис қилишлари мумкин. Бу мактабда кўзи ожизларнинг жисмоний ва ақлий имкониятлари шакллантирилади. Тажрибали жисмоний тарбия ўқитувчиси Амин Шаропов бундай болаларни жисмоний чиниқтиришнинг ижодий тизимини ишлаб чиққан.

Икки кўзи ожиз кишининг фазилати ҳақида Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» (Ишонарли ҳадислар) тўпламида шундай гувоҳлик ва шаҳодат берилади: «Анас ибн Малик Жаноб Расуллуллоҳнинг бундай деганларини эшитган эрканлар: «Оллоҳ таоло: «Агар мен бандамни икки маҳбубасидан маҳрум этсаму у бунга сабру тоқат айласа, бунинг бадалига унга жаннатдин жой ато этгайман!» — дейди. Икки маҳбубадан мақсад икки кўздир».

Ана шунақа... Бу оламда кўзи ожизлар ҳам бор. Айнан шунинг учун ҳам дунё мукаммал эмас.

Ана шунақа... Бу мунаввар олам ёруғлигини кўришдан мосуво этилганлар ҳам бор дунёда. Биз кўзи очиқлар эса бу ёруғ оламнинг, кўзимиз очиқлигининг қадрига етмаймиз баъзан. Шукрона учун назарни, ниятни пок қилайлик...

... Сиз мунавварсиз. Мен қоронғумен...
Зулмат.
Ҳар бир нуқта туннинг уруғи.
Ҳеч нарса кўрмайман.
Кўзимнинг оқи ҳам қопқора.
Бармоқларим бошлари мажақланган илонлар.
Пайпаслайман, излаб пайпаслайвераман,
Ҳеч нарсани тутолмайди.
Ҳеч нарсани кўрмаётган кўзларим.
— Излама, — деди тун, — топа олмайсан.
— Пайпаслама, — деди тун, тута олмайсан.
— Қидирма, — деди тун, — кўра олмайсан.
Тутолмайсан,
Кўролмайсан,
Тополмайсан, —
Ўзингни,
— Чунки мен зулматман.

Салим АШУР.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 13

ЎзТВ I

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Маърифат ёғдулари». Республика халқаро «Маърифат» жамиятининг фаолияти.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Олам ва одам».
18.45 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Футбол шарҳи.
20.00 «Унутилмас сатрлар». Ҳусайн Бойқаро шеърияти.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Эълонлар.
21.25 Эркин Воҳидов. «Иккинчи тумор». Огаҳий номидаги Хоразм вилоят театрининг спектакли.
23.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. Биринчи лига. «Динамо» (Урганч) — «Маданият» (Тошкент вилояти).
23.50 Эълонлар.
23.55—00.10 «Ахборот».

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Тафсилот». Ахборот кўрсатуви.
19.15 «Экология ва ҳаёт».
19.45 «Чашма». «Муножот» фольклор-этнографик дастаси.
20.15 «Қалъа жавоб беради». Бадиий фильм.
21.45 «Кимга қанақа?» Телетомошабинлардан келган мактублар асосида.
22.35—23.05 «СПОРТ-ТАЙМ».

ЎзТВ III
ЎзТВ

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Мовий қуш». Ҳужжатли фильм («Ўзкинохроника»).

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20—21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40—23.20

*

ЎзТВ

23.20 «Балахнин туқувчилари». Телефильм.
23.30—23.35 Янгиликлар (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».

«ОМАД» таништиради:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Жаҳон географияси». Оммабоп кўрсатув.
21.40 Эълонлар.
21.45 Видео — «О».
23.25 Эълонлар.
23.30 — 23.50 «Курьер». Ахборот кўрсатуви.

СЕШАНБА, 14

ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 А. Маҳмудов. «Рўё». Теленовелла.
9.35 «Саломат бўлинг!»
10.00 Эзгуликка интилиб. «Боғда боғбон излари...»
10.30 Ўқув тартиби. Адабиёт.
11.00 Немис тили.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Она тили.
12.00 Эркин Воҳидов. «Иккинчи тумор». Огаҳий номидаги Хоразм вилоят театрининг спектакли.
13.40—15.40 «Умидлар йили». Видеоканал.

***

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Доно бобо даврасида».
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Фармон ва ижро». Консерватория: муаммо ва ечимлар.
18.40 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Қалб садолари».
18.55 «Нон таъми».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Истиқлол адабиёти. «Тарихимизнинг бадиий адабиётдаги талқини».
20.25 Мусиқий дақиқалар.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Эътироф». Амир Темур жамғармаси фаолияти ҳақида.
21.55 «Сумбула». Хонанда Муҳриддин Ҳолиқов куйлайди.
22.30 «Олтин мерос». Халқ артисти Лутфихоним Саримсоқова.
23.30 Эълонлар.
23.35—23.50 «Ахборот».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Мультфейерверк».
18.45 «Табиат дунёси». Оммабоп кўрсатув.
19.35 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.55 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.20 «Теле-ателье-шоу».
21.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.00—23.40 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III
ЎзТВ

17.50 Янгиликлар (рус тилида).
17.55 Эълонлар.
18.00 «Зоолог нигоҳи билан». Телефильм.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00

* * *

18.20—21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40—23.20

*

ЎзТВ

23.20 «Бу ажиб дунё».
23.40—23.45 Янгиликлар (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 —19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Ўорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.15 «Актёрлар куйлаганда». Киноконцерт.
20.45 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.45 «Қалбим қўри». Мусаввир А. Вахтеев.
22.25 —23.25 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.

ЧОРШАНБА, 15

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Малина виноси». Бадиий фильм.
10.30 Инглиз тили.
11.00 Баҳс. «Ўзбек миллий мақом санъати».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Кимё.
12.00 Ватанпарвар. «Матонат».
12.50 «Алифбо сабоқлари».
13.20—15.20 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.

* * *

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Умид учқунлари». Усмирлар учун тележурнал.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Чорраҳа».
18.40 «Биламиз-у, аммо...» Конкурсли кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Спорт хабарномаси.
20.00 «Дил номалари». Мусиқий кўрсатув.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Туркистон — умумий уйимиз».
22.10 «Насриддин Ҳўжанда». Бадиий фильм.
23.40 Эълонлар.
23.45—24.00 «Ахборот».

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Мусиқий меҳмонхона».
19.30 «Фильмлар ва тақдирлар». Кинокўрсатув (рус тилида).
20.10 Абадий ёдгорликлар.
20.45 «Ўзим ҳақимда...»
21.15 «Кинематограф».
22.45—23.45 «Тошкент оқшомида».

ЎзТВ III
ЎзТВ

17.50 Янгиликлар (рус тилида).
17.55 Эълонлар.
18.00 Телефильмлар.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00

* * *

18.20—21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40—23.20

*

ЎзТВ

23.20 «Куй ва соз соҳиби». Телефильм («Ўзбектелефильм»).
23.35—23.40 Янгиликлар (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 —19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».

«ОМАД» таништиради:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 — 23.40 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

ПАЙШАНБА, 16

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Насриддин Ҳўжанда». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Давлат ва ҳуқуқ асослари.
11.00 «Сиҳат-саломатлик» почтасидан.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология.
12.00 «Ҳаракатда баракат».
12.25 «Биламиз-у, аммо...»
13.10 Ўзбек куйларидан концерт.
13.50—14.20 «Фан ва ишлаб чиқариш».

* * *

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Ов». Мультфильм.
17.40 «Сеҳрли мўйқалам».
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ҳуқуқий жамият сари».
18.40 Мусиқий дақиқалар.
18.55 «Ислоҳот ва масъулият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Табаррук қадамжолар». Амир Темур юбилейи олдидан.
20.20 «Юзма-юз». Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси кафедра мудири, иқтисод фанлари доктори Тоҳир Маликов билан мулоқот.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Ватанни севмоқ иймондандир...»
22.25 «Олтин даврим». Халқаро талабалар кунига бағишланган кўрсатув.
23.10 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Мовароуннаҳр».
23.40 Эълонлар.
23.45—24.00 «Ахборот».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 Видео янгиликлари.
18.50 «Теле-ателье-шоу».
19.00 «Оламнинг яратилиши». Оммабоп кўрсатув.
19.30 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.05—22.45 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III
ЎзТВ

17.50 Янгиликлар (рус тилида).
17.55 Эълонлар.
18.00 «Апорт тақдири». Телефильм («Қозоқтелефильм»).

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00

* * *

18.20—21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40—23.20

*

ЎзТВ

23.20 «Ўғил, набира, эвара». Ҳужжатли фильм («Ўзкинохроника»).
23.40—23.45 Янгиликлар (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 —19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Бозор иқтисодиёти сабоқлари»

20.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.25 «Британия кундалиги».
22.00 «Интердиалог».
22.35 — 22.55 «Подиум».

ЖУМА, 17

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Нозигойим». Бадиий фильм.
10.25 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 «Ёшлик» студияси. «Эъзоз».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
12.00 Немис тили.
12.30 «Халқ ижодиёти». Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги «Чавку» халқ ансамбли.
12.55 — 14.55 «Маърифат» видеоканали.

***

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Кичкинтойимиз — гижингтойимиз».
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Таянч нуқталари».
18.40 «Бўстон» телевизион журнали.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.

19.50 «Ўзбек киносининг барҳаёт саҳифалари».

*

20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Мозийга бир назар».
21.55 Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг концерти.
22.35 «Келинлар қўзғолони». Бадиий фильм.
23.50 Эълонлар.
23.55 — 00.10 «Ахборот».

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Дунё болалари».
19.00 «Ўтмишсиз келажак йўқ». «Прометей» клуби фаолияти ҳақида.
19.30 «Билиб қўйган яхши».
19.55 «Орхидей» вилласи». Бадиий фильм.
21.25 «Транспорт ва йўловчи».
22.00 — 23.35 «Жаҳон мусиқаси дурдоналари». Сергей Прокофьев. «Ромео ва Жульетта». Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет Катта театрининг спектакли.

ЎзТВ III
ЎзТВ

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Менинг тақдирим». Телефильм (Тува).

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00

* * *

18.20—21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40—23.20

*

ЎзТВ

23.20 «Жонли сайёра».
23.50—23.55 Янгиликлар (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 —19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».

«ОМАД» таништиради:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 Эълонлар.
20.55 Видео — «О».
22.40 «Кулгига нима етсин!». Ҳажвий кўрсатув.
23.00 «Компьютер-Осиё».
23.30 — 23.40 «Даракчи». Ахборот кўрсатуви.

ШАНБА, 18

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Келинлар қўзғолони». Бадиий фильм.
10.15 «Оналар мактаби».
10.45 «Достон тинглаб...». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Отахон Матёқубов ижро этади. 1-қисм.
11.30 Ёшлар ва замон. «Тойлоқ ота фарзандлари».
12.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Яшил чироқ».
13.05 «Яхшилар қатори ёдланар отим». Собир Абдулла таваллудининг 90 йиллигига.
14.10 — 14.45 Эстрада концерти.

***

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Совға».
17.55 «Олам». Маърифий кўрсатув.
18.50 Эълонлар.
18.55 «Ишингиз бароридан келсин!»
19.05 «Тиниқ ранглар жилоси». Ўзбекистон Республикаси Давлат Байроғи қабул қилинган кун.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Шарқ дурдоналари».
20.10 «Имкон чўққилари». Гиннеснинг рекордлар оламида.
20.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Юлдузли онлар».
22.25 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Табиат дунёси». Оммабоп кўрсатув.
10.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.30 Видеогид.
11.50 «Теле-ателье-шоу».
12.00 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.30 «Кинонигоҳ».
14.10 — 18.30 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

*

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Акс-садо».
19.40 «Менинг кўчам».
19.55 «Эсдалик учун дастхат».
20.20 «Пульс». Хабарлар.
20.35 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин!»
21.35 — 23.05 «Кинематограф».

ЎзТВ III
ЎзТВ

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Муҳжизалар — гўзаллик сири». Ҳужжатли фильм («Ўзкинохроника»).

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20—21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40—23.20

*

ЎзТВ

23.20—23.55 «Аллавердлар». Қисқа метражли бадиий фильм.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Умид» (уйғур тилида).
10.40 «Етти кўл». Телефильм.
10.55 «Булоқлар кўз очганда».
11.15 — 12.45 «Муҳаббатнома». Бадиий фильм.

***

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.20 «Монитор-Осиё». Тележурнал.
21.05 «Кўнгил қўприклари».
21.45 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.55 «Эллада».
22.55 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
23.05 — 23.20 «Бу ажиб дунё».

ЯКШАНБА, 19

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Қамалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Достон тинглаб...» Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Отахон Матёқубов ижро этади. 2-қисм.
11.45 «Цирк! Цирк! Цирк!»
12.30 «Олтин тоғнинг сири». Бадиий фильм.
13.45 «Шоҳруҳ» клуби.
14.10 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
14.55 Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги. Финал. «МҲСК» — «Навбаҳор». «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади.
16.50 «Нурли сиймолар». Кинокўрсатув.

*

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 Мультфильмлар.
17.55 «Сирли сандиқ». Телеўйин.
18.55 Спорт хабарномаси.
19.05 «Ойнаи жаҳонда...».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунёни қизғонма...». Абдулла Орипов қўшиқлари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳафтанома».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Санъат сеҳри». Видеоканал.
22.55 Эълонлар.
23.00 Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги. Финал. «МҲСК» — «Навбаҳор» (ёзиб олинган).
00.30 — 00.50 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
10.00 Видео янгиликлари.
10.20 «Теле-ателье-шоу».
10.30 «Оламнинг яратилиши». Оммабоп кўрсатув.
11.00 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.35 — 14.15 «Кинонигоҳ».

***

17.00 Мультконцерт.
17.15 «Жаҳон географияси». Оммабоп кўрсатув.
18.05 Эълонлар.
18.10 Видео — «О». Бадиий видеофильм.
19.50 Эълонлар.
19.55 «Курьер». Ахборот кўрсатуви.
20.15 «... яна об-ҳаво ҳақида».
20.25 «Постфактум». Ҳафталик шарҳ.
20.35 «Кулгига нима етсин!» Ҳажвий кўрсатув.
21.00 «Америка юлдузлари».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Даракчи».
21.45 Эълонлар.
21.50—23.30 Видео — «О».

ЎзТВ III
ЎзТВ

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Фильмлар тақдири». Телефильм.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.25—22.50

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.50—23.20

*

ЎзТВ

23.20 «Гилон». Телефильм.
23.30—23.50 «Панорама» (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!». Мультфильм.
10.30 «Менинг кўчам».
10.45 «Дарвоқе».
11.15 «Жонли сайёра».
11.35 «Ов ҳақида ҳикоялар». Телефильм.
12.05 «Эртакларнинг сеҳрли оламида».
13.45 «Мюзик-холл».
14.15 — 14.25 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).

***

18.10 —19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Олатовнинг нурафшон чўққилари». Телефильм.
20.00 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.25 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.35 «Хорижнинг биринчи элчилари». Индонезия Республикаси.
22.20 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
22.30 «Осиё — АРТ». Урта Осиё ва Қозоғистон мусаввирларининг қургазмаси.
23.00 — 23.20 «Бу ажиб дунё».

The ***American Embassy*** is seeking for an ***Agricultural Assistant.*** Applicants should be fluent in English, Russian and Uzbek and must possess collegiate degree in Agricultural Economics, Agriculture, Economics or closely related fields. Application forms (to be obtained from the Embassy) should be submitted within 10 days from the date of this ad. Address: 82 Chilanzarskaya St.Tashkent

ШИФОХОНАЛАР, ХУСУСИЙ ДОРИХОНАЛАР ВА БАРЧА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

"Абу Али ибн Сино ва табобат" фирмаси Сизларга 20 дан ортиқ хорижий фармацевтика фирмаларидан келтирилган 400 турдаги энг сифатли ҳамда арзон дори-дармонларни

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Агар Сизга ошқозон-ичак, тери-таносил, юрак, қонтомир, жигар, буйрак, астма ва асаб касалликларини даволашга қўл келадиган дори-дармонлар зарур бўлса фирмамизга мурожаат қилинг!

Юрак хасталикларига — сустак, нитронг ва уларнинг барча турлари, тери касалликларига — целестодермнинг барча турлари, ошқозон-ичак хасталикларига — гастроцепин, фосфалугель, вентер, зонтак дорилари, қувватга киргизувчи витаминлар — пиковит, таксофит, астма касалликларига — беротек, берадуал каби дориларни ҳамда турли шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дамламаларни харид қилишингиз мумкин.

Савдо-сотиқ пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Фирма манзили: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Себзор даҳаси, 1-А уй (метронинг "Ғафур Ғулом" бекати).
Телефонлар: 44-24-34, 40-44-83, 40-48-06.
Факс: 40-48-53.

Сизларга ҳар доим соғлик, туман бойлик тилаймиз!

"ЎЗКИМЁСАНОАТ"
акционерлик ассоциацияси

"КИМЁ"
савдо уйи

Жамоа ва фермер хўжаликлари, савдо ташкилотлари ҳамда муассасаларга
- *азот-фосфор ўғитлари,*
- *кир ювиш ва тозалаш воситалари,*
- *парфюмерия, косметика маҳсулотлари,*
- *пластмасса буюмлари,*
- *лак-бўёқлар,*
- *резина-техника маҳсулотлари,*
- *халқ истеъмол моллари*

ва бошқа ҳар хил кимё маҳсулотларини чекланмаган миқдорда пул ўтказиш йўли билан сотади.

Манзилимиз: Тошкент ш., Лоҳутий кўчаси 42.
Тел: 33-82-21.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки 1995 йил 1 ноябрдан "Ўқувчи" номли янги омонат турини ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

"Ўқувчи" омонати — бу фарзандларингиз учун ажойиб совғадир!

"ЎҚУВЧИ" омонати бу:
- *миқдори камида 10 сўм бўлган,*
- *йилига 60 фоиз даромад тўланадиган,*
- *нақд пул билан ёки пул кўчириш йўли билан тўлдириб бориладиган,*
- *юқори даромад олиш учун, зарур миқдордаги маблағ йиғилгандан сўнг бошқа хоҳлаган турдаги омонатга ўтказилиш имкониятини берувчи омонат туридир.*
- *"Ўқувчи" омонати ўсмирларга ёшликдан ўз маблағидан тўғри фойдаланишни ўргатиш билан бирга, балоғат ёшини етарлича маблағ билан кутиб олиш учун имконият яратади.*
- *"Ўқувчи" омонати 12-18 ёшдаги ёшлар омонатидир!*

ХАЛҚ БАНКИ СИЗНИ КУТАДИ.

Маълумотлар учун телефонлар: 45-35-49, 33-78-02, 33-51-95

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИ БОШҚАРУВИ

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"Ўзхимфарм"
ишлаб чиқариш бирлашмаси
қуйидаги юқори самарали ва арзон дориларни
тавсия этади.

АЛЛАПИНИН — *пароксизмал аритмияни даволашга мўлжалланган восита.*

МЕДАМИН — *антигельминт дориси, ичак нематодига қарши энг яхши самара беради.*

ДИМЕДРОЛ — *аллергияли хасталикларни, эшак еми, қичима дерматозни даволашда яхши самара беради.*

ФИТИН — *қоннинг янгиланиб туришига кўмаклашади, асаб тизими фаолиятини яхшилайди, шунингдек, гипотония, жазава хасталиклари ва жинсий ожизликни даволашда қўлланилади.*

АНАБАЗИН — *кашандалик хуморини пасайтиради.*

РУТИН — *гипо ва авитоминоз, диатез, бот, гипертонияни даволашда яхши самара беради.*

ТЭФЭСТРОЛ — *гинекология ва акушерлик амалиётида қўлланилади.*

ДЕЗОКСИПЕГАНИН ГИДРОХЛОРИД — *мияда қон айланиши бузилганда ва миостеанияни даволаш учун зарур.*

"АНТИ-БИТ" — *педикулез хасталигини даволашда, битни йўқотишда қўлланилади.*

"ИНТРОЦЕЛЛ" — *озиш учун кўмаклашади, организмдан шлакларни, оғир металл тузларини, радионуклидларни, токсинларни ва бактерияларни чиқаради, ичак фаолиятини яхшилайди.*

КАЛЕНДУЛА НАСТОЙКАСИ — *юқори нафас олиш йўллари шамоллаш хасталикларини, ангинани, яра-чақаларни даволашда қўлланилади.*

ҚИЗИЛМИЯ ИЛДИЗИ ШАРБАТИ — *балғам ташлаш учун яхши восита ҳисобланади.*

ҚЎКРАК СУЮҚ ДОРИСИ — *балғам ташлаш учун яхши восита ҳисобланади.*

НАЪМАТАК МЕВАЛАРИ ШАРБАТИ — *авитаминоз олдини олишда яхши самара беради.*

Бу дориларни ва боғлаш ашёларини "Ўзхимфарм" ишлаб чиқариш бирлашмаси фирма дорихоналаридан сотиб олишингиз мумкин.

ТЕЛЕФОНЛАР: 56-60-59, 56-71-68, 54-69-78.

Республика кўчмас мулк биржаси ким ошди савдолари ва танловларда иштирок этиш учун агентлар қабул қилмоқда.

Агентларнинг асосий вазифаси — кўчмас мулк иншоотини сотувчиларни ёки харидорларни излаб топишдир.

Биржа билан шартнома тузган агент савдо якунларига кўра муносиб тақдирланади.

Ҳар бир истаган шахс агент бўла олади. Биз учун унинг ёши, жинси, миллати ҳам, касб-кори, давлати ҳам аҳамиятсиз.

Фақат сотувчи ёки харидорни топа олса бас!

Манзилгоҳимиз: Тошкент, Маяковский кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 67-32-71, 67-17-55, 67-22-14.

Хўжалик моллари
республика акционерлик бирлашмаси

Ўзбекистон Республикасида назорат-касса машиналарини жорий этиш комиссияси томонидан 1995 йил 10 октябрь баённомаси билан назорат-касса машиналари давлат реестрига киритилиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил 18 октябрда 183-сон билан рўйхатга олинган хорижда ишлаб чиқарилган

"РОЯЛЬ -125" назорат-касса машиналарини

мулкчилик шаклларидан қатъий назар, чакана савдо корхоналарига сотувга

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Машинанинг нархи 230 АҚШ доллари. Машиналар Ўзбекистон Республикаси сўмларида, сотилаётган кундаги курс қийматида, нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан сотилади.

Манзилимиз: 700091, Тошкент, "Янги-Обод" даҳаси "Тол-Ариқ" кўчаси, 24-уй.
Телефонлар: 97-09-91, 96-73-20, 98-37-90.
Факс: 97-34-85.
Автобуслар: 23, 26, 30, 61, 119. "Янги-Обод" шоҳ бекати.

ТАШКИЛОТ ТЕЗДА СОТИБ ОЛАДИ:

1. Тирсакли валларни шлифовка қилиш учун ЗА-342 кругло-шлифовка станоклари.
2. Блокларни расточка қилиш учун расточка станоклари.

Манзил: Қўқон ш. тел: 3-29-62.

ЙИГИРМА БЕШ МИНГ ЭҲТИРОМ

Зокиржон Султонов ярим асрки, санъатдан ризқ насиба излаб келади. Камтар, ҳокисор. Олтмиш беш баҳорни кўрган бу отахон ҳангомадаям зериктирмайди.

ЎЗИНИНГ ҲИКОЯСИ:

...1939 йил. Ҳали мактабда ўқирдик. Ёзги таътилга чиққанмиз. Катта Фарғона каналига бизни пионерлар лагеридан олиб боришди. Бизлар ўша даврдаги ашулалардан айтиб берганмиз-да. Қарангки, Усмон Юсупов ҳам келган эканлар. Бир маҳал у киши ёнларига чорлаб ўзбекча қўшиқ билиш-билмаслигимизни сурадилар. Мен ҳам билганимча айтиб бердим. Оқсоқол отамни суриштирдилар (падари бузрукворим Султон полвонни билмайдиганлар кам эди). Усмон ота менга омад тилаб, бир патефон, унга қўшиб 20-25 та пластинка совға қилдилар. Қанчалар ҳаяжонга тўлиб қувонганимни билсангиз эди. Ўша воқеа боис ҳалигача пластинкаларни тўплайман. Санъат билан ошноман. Зеро, ўшандан сўнг ўз даврининг улкан ҳофизлари, фидойи санъаткорлар мени пойтахтга чорлашди.

1943 йилда Зокиржон Султонов, Камтар Отабоев, Журахон Султонов, Абдуллажон Охунов, Саиджон Калоновлар тавсияси, насиҳатлари билан санъатнинг сирли оламига қадам қўйганди...

Бугун устоз санъаткорга айланган Зокиржон ака ўзини бахтли санайди. Сабаби, у узбекнинг манаман деган буюк санъат даргалари қўлида қўшиқчиликдан сабоқ олди, улар билан журовоз, ҳамнафас бўлиб қўйлади, ижод қилди.

Муҳиддин Қориёқубов, Юнус Ражабий, Етим Бобожонов, Комилжон Жабборов, Ҳожихон Болтаев, Мадраҳим Шерозий, Ориф ҳожи Алимаҳсумов, Маъмуржон Узоқов, Мукаррама Турғунбоева, Комилжон Отаниёзов, Ҳалима Носирова...

— Ўтганларининг охиратини обод, ҳаётларининг умрини узоқ қилсин, — дейди Зокиржон ака, — Ўзбек мусиқа, рақс санъатининг устунлари эди улар. Улардан Фарғона йўлидаги мақомларни, Хоразм яллалари, классик ашулаларини мириқиб эшитардик. Уларга интилиш, ҳавас бизларни ижодга, изланишга чорларди.

Бугун санъатимизга қўйилаётган мезонлар уларнинг ўлчовлари олдида ғарибдай туюлади кишига. Бугунги баъзи юлдузларимиз асл ўзбекча мусиқани чалкаштириб, аралашқуралаш қилиб ташлаётгандек булаверишади. «Замонавий»лик бизни миллийликдан узоқлаштираётгандек, негадир йироқлашиб бораётгандекмиз. Сиз у — биз «севган хонанда» илгариги мезонларга тўғри келадиган даражада мақом қўйлаб юракларни сел қила олмайди. Юраклар ҳам сел бўлишнинг маънисини бошқача ҳис қиладиган бўлиб қолганми-ей.

— Улар ҳам касбдошларимиз. Ризқу-насибаси шу йўлга сочилган, мен уларга эътироз айтсам бўлмасов...

Зокиржон аканинг бу гапларини камтарликмикан, дейсиз. Йўқ, ўзингиз ўйланг, бу борада биргина санъатчининг ўзидамикан хато. Айб эшитувчиларда, унинг савияси, билими, дунёқарашига ҳам боғлиқ эмасмикан... Энди бу гапларни ҳофиз ўзингизга ҳавола қилиб қўя қолади.

Зокиржон Султонов ҳам ҳофиз, ҳам санъат фидойиси 1939 йилги патефон ва 25 дона пластинка қайсидир маънода унинг умрига мазмун олиб кирган десак бўлади. Бугун Зокиржон аканинг бисотида 25 минг нусхадаги пластинка сақланмоқда. 25 минг!!! Бу йигирма беш минг эҳтиром ҳамдир. Олтин хазина. Бухоро амирининг шахсий қўшиқчиси Левийча Бобохонов, Ҳожи Абдулазиз, Тўйчи Ҳофиз, мулла Шожалил, «Содирхон Ушоғи»нинг муаллифи Содирхон Бобошарипов, Узбекистоннинг биринчи санъаткор депутати Михаил Толмасов, домла Ҳалим Ибодов, Уста Шоди, Тамарахоним... Улар жуда кўп. Зокиржон Султонов сақлаётган олтин фондда шундай буюк санъаткорнинг овози, меҳнати, ижоди муҳрланган, яшаб келмоқда. Уларнинг кўз қорачўғидек йиғиб-асраб келинаётганига ҳам ярим асрдан ошди...

Умр! Ҳўш у нима билан ўлчанади. Мазмун-маъниси нимада? Узун-қисқалиги-чи? «Бутун умр давомида», «Санъатимиз фидойиси» фильмларининг қаҳрамони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зокиржон Султонов, унинг умри, умрининг мазмунидан бир-икки чизгилар келтиришга интилдик. Зеро, бу олтмиш беш йилда ҳали биз излаган, истаган тўйғулар бисёр эди.

Устоз санъаткорга Оллоҳ куч-қувват берсин ва баракали яшашни насиб этсин.

Ҳусан ЭРМУҲАММАД.

Шарқшунос олим Маҳмуд Ҳасаний таҳрири остида

АЙЙИЛ – КИЙИК

Форсий гавази ва гови куҳий дер, турқий сўйғундир. Ва ул то икки йилгача шох чиқармас. Андин сўнгра икки шох чиқарур ва чун уч йил ўтса шохлари мисли дарахт шохларидек бўлур.

Ва аввал ҳолида анинг умрининг адади (сони) шохларининг аддади миқдорича бўлур. То олти йилгача шох чиқарур ва сўнгра ҳар йил шохин ташлаб тоза шох чиқарурким, аввалигидин маҳкамроқ бўлур. Ва дерларким, умри узоқ бўлур ва юз йил умр кўргандин сўнгра тозадин чиқарган шохида бошқа аломат зоҳир бўлур, яъни юз йилнинг аломатидур.

Ва Ҳаким Мир Муҳаммад ўз китобида ёзмишдирким, волиди фақир (бу фақирининг отаси) бобомдин нақл қилибдурким, юз йилликдин етти нишоналик сўйғун кўрдум.

Ва сўйғуннинг шохи бошқа ҳайвонлар шохига нисбатан бағоят мустаҳкам бўлур. Ва дерларким, сўйғуннинг ўти бўлмас, андоқ эрмастур, балким онинг ўти ғоятда кичик бўлур. Ва чун ўти тўлса, ўтининг суви тез ҳолий бўлуб ва териси бағрига ёпушуб турар. Ҳар нечук бўлса ҳам сўғуннинг ўти кам зоҳир бўлур.

АЛ-ҲУКУМ — эти ҳалолдур.

ҲОСИЯТИ. Сўйғуннинг эти савдони қўзғор ва ҳазми осондур ва бавл (сийдик) йўлин очар ва шаҳвати жимоъга қувват берур. Ва ҳаво иссиқ вақтларда, хусусан сўйғунни ташналик ҳолида кўб саъй қилиб (уруниб) шикор қилинса, гўшти одамга зарар қилур, бас, керакким, қиш айёмларида, сувдин сероб бўлғон ҳолида, истиробсиз сайд қилинғай. Бас, сўйғондин сўнгра кўб қўймассунким, эти бузулур. Ва сўнгра гўштин сувга солиб бироз шибит (укроп) ила қайнатиб, яхши пишгондин сўнг ёғ билан тановул қилиб, сўнгидин мулойим шарбатлар, масалан, анжир шарбати ва қанд шарбати ичсун. Ва чун онинг шохин қуйдуруб сирка била салоя қилиб (қориб), баҳақ (оқ доғ) ва бараским оқ ва қора (доғ) инсоннинг баданида пайдо бўлур, анга суртуб, қўёшда ўлтуруб терласа ул иллатларнинг дафъига фойда қилур. Ва яна ул қулдин сирка билан мазмаза қилинса (чайилса) тиш оғриғини дафъ қилур. Ва анинг шохин дуд (тутун) қилинса чақғувчи жониворлар қочарлар. Ва анинг шохин бўғоз хотун сақласа дард чекмай, осонлик билан туғар. Ва анинг қуйруғининг учи заҳри қотилдур. Анинг учун сўйғуннинг сўяр вақтида қуйруғин дарҳол кесиб олмоқ керак.

Ва сўйғуннинг хосияти буким, бурнин илоннинг тешукиға қўюб, ўзига чекиб, илонни чиқориб, емоққа машғул бўлур, нечунким бу хосият анинг нафасидадурким, илонни тешугидин чиқмоқда оҳанграбодур. Ва чун илонни егондин сўнгра кўзи ёшориб (ёшланиб), кўзининг атрофида бир неча кундин сўнг қотиб қолур ва халқ они тарёқи говкуҳий дерларким, ҳайвоний заҳарларнинг дафъи учун тарёқи форуқдин (заҳар таъсирини кесадиган дори) яхширокдур.

Ва чун сўйғун бир одамни шохи билан уруб мажруҳ қилса, ул захмнинг сиҳат топмоқи кам бўлур.

Ас-Саъиду-С-САМАРҚАНДИЙ.

Боболаринг анойи эмас...

ДУО ОЛТИН ЭМАСМУ?

«АЛ-ҚОДИР» — бу исмдур. Идрис пайғамбар бу исмни баракотидин халққа пайғамбар бўлдилар. Ҳазрати Имом айтурларким ҳар ким саҳарда қўлини кўтариб ўн маротаба «Йо Босит» деб қўлига дам қилуб юзига суртса, бу исм баракотидин ҳеч кишига эҳтиёжи тушмагай, ғамдин холос бўлур. Бу исмни баракотидин рисқ эшиги очилгай.

«АН-НУР» — бу ул исмдурким, Мусо алайҳиссалом бу исмни баракотидин биёбонда ўт суратида. «Ман-Худо» деган сўзни эшитди. Ҳар кимки бу исмни ўқиса, кўнгли равшан бўлур.

«АЛ-БАРР» — бу исмдурки кичик кишилар бу исмни баракотидин улуғ бўлди. Агар кимса бу исмни ўқуб кичик болага дам қилса, то болиғ бўлгунча барча офатлардин омон бўлгай. Шайх Мағрибий айтурлар, ҳар ким исмни адади кабир бирла, албатта юз тўқсон тўққиз маротаба ўқуб тиласа мақсадига етар, иншооллоҳ.

«АЛ-БОСИТ» исми. Ҳазрати Имом айтурларким ҳар ким саҳарда қўлини кўтариб ўн маротаба «Йо Босит» деб қўлига дам қилуб юзига суртса, бу исм баракотидин ҳеч кишига эҳтиёжи тушмагай, ғамдин холос бўлур. Бу исмни баракотидин рисқ эшиги очилгай.

«АН-НУР» — бу ул исмдурким, Мусо алайҳиссалом бу исмни баракотидин биёбонда ўт суратида. «Ман-Худо» деган сўзни эшитди. Ҳар кимки бу исмни ўқиса, кўнгли равшан бўлур.

«АЛ-БАРР» — бу исмдурки кичик кишилар бу исмни баракотидин улуғ бўлди. Агар кимса бу исмни ўқуб кичик болага дам қилса, то болиғ бўлгунча барча офатлардин омон бўлгай. Шайх Мағрибий айтурлар, ҳар ким исмни адади кабир бирла, албатта юз тўқсон тўққиз маротаба ўқуб тиласа мақсадига етар, иншооллоҳ.

Шатранж оламида

МУНОСИБ ЎРИНБОСАРЛАР КЎРИГИ

Республика марказий шахмат клубида ёшларимизнинг ўйинларини кузатар эканман, кўнглимни қувонч ҳисси тўлдирди. Мамлакатимизнинг беш вилояти, Қорақалпоғистон ва пойтахт вакилларидан иборат 100 дан ортиқ шахматчи орасида 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган ҳаваскорлар чинакам маҳорат сирларидан анчагина воқиф эканликларини намойиш қила олдилар. Мураккаб вазиятда улар топган комбинациялар ёки оддийдек кўринган, аслида эса кўп нарсани ҳал қила оладиган позициявий юришлар томошабинлар эътиборини тортди.

Иштирокчиларнинг қарийб 28 нафари Самарқанд вилоятидан эканлиги бежиз эмас. Бу ерда вилоят маориф бўлими қошида болалар ва ўсмирлар шахмат мактаби, Самарқанд тумани ҳудудида эса болалар миллий шахмат мактаби фаолият кўрсатиб турибди. Уларнинг устозлари эса ўз шогирдларига етарли шарт-шароит яратиш бобида ҳам фаол ҳаракат қилмоқдалар. Бинобарин, самарқандликларнинг анчагинаси мусобақада юқори натижага эришдилар.

Роппа-роса бир ҳафта давом этган қизғин ва кескин баҳслардан сўнг қизлар орасида 7 имкониятдан 6 тадан очко олган самарқандлик Лола Эрфан ва тошкентлик Кате Корбут 1- ва 2-ўринларни баҳам кўрдилар. 3-ўрин чирчиқлик А. Рихдерга тегди.

Ўсмирлар турнирида 7 имкониятдан 6 очко жамғарган самарқандлик Иброҳим Ҳамроқулов ғолиб чиқди. 5,5 тадан очко олган гулистонлик Собир Умаров билан самарқандлик Б. Моисеев 2-ва 3-ўринларни эгалладилар.

Ва ниҳоят, болалар турнирида 7 ўйиндан 5 тасини ютиб, 2 тасини дуранг қилган Намангандаги 12-мактаб ўқувчиси 11 ёшли истеъдод эгаси Холмирзаевга 1-бўлиш насиб этди. Юқорида исм-шарифлари зикр этилганлар республика Спорт қўмитаси фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Низомга кўра, учала гуруҳда дастлабки олти ўринни эгаллаганлар келгуси йил бошида ўтказиладиган финал мусобақаларига йўлланма олдилар. Буниси эса ўз навбатида Осиё ва жаҳон биринчиликларида қатнашувчи ёш вакилларимизни аниқлаб беради. Ўринбосарларимиздан кўнглимиз тобора тўлиб бормоқда.

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

«ОЙНАЧИЛАР» ЛАТИФАСИ

Одатда шишадошлар ўзаро келишиб, давра қуришганда хуморни ёзиш олдидан «ойначилик» қиламизми, деб ўз майлларини намойиш этадилар. Қуйида эса ашаддий ичкиликбозликка ружу қўйганлар орасида тарқалган айрим латифаларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Байрам дастурхонида.

— Нега сен қадаҳни кўтарганингда кўзингни чирт юмиб оляпсан?

— Биласанми, бу сафар зиёфатга бораётиб, хотинимга қадаҳга қарамасликни ваъда бергандим.

* * *

«Ойначи»лардан уч нафари давра куриб ўтиришган эди. Улардан бири:

— Йигитлар, мен бошқа ичмайман, — деб қолди, — статистика маълумотларига қараганда, ароқхўрларнинг ҳар тўртинчиси барвақт оламдан кўз юмаркан.

— Ҳа-а, сен ҳаяжонланма дўстим, биз бор-йўғи уч кишимиз-ку.

* * *

Ҳакам:

— Сиз музейга ҳушёр ҳолатда бормоқчи бўлганингизни тан оласизми?

Айбдор:

— Бўлмасамчи! Билсангиз, ҳушёр ҳолимда бундай фикр сира ҳам калламга келмаган бўларди.

* * *

Кайфи тароқ эр овдан қайтаркан баланд оҳангда деди:

— Хотинжон, мен сенга айтсам, бу ойда гўшт харид қилмасанг ҳам бўлаверади.

— Нима бало, жайрон овладингизми дейман.

— Нимасини айтасан, маошимни охиригача ичиб қўйибман...

* * *

Ўғил отасидан сўради:

— Адажон, ҳушёр киши билан кайфи тароқ одамни қандай ажратса бўлади?

— Қизиқ савол бердинг-ку ўғлим: билсанг агар ўша одам бу ерда учта дарахт бор деса, демак кайф қилган бўлади. Бор-ю бу ерда иккита дарахт деса, демак ҳушёр экан.

— Адажон, тушунолмадим, бу ерда бор-йўғи битта дарахт-ку...

Устанинг сўзи — ишнинг кўзи

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Совуқхонанинг музлаган қутисидаги қор ва муз қопламини олиш учун оддий парракли елвизак (вентилятор)дан ҳаво юбориш ёки иссиқ грелка қўйиш тавсия этилади.

* * *

Бир бўлак қанд ёки олма қирқими нонни моғорлашдан сақлайди.

* * *

Пластмасса буюмларини совуқ сувда ювинг.

* * *

Чинни идиш вақт ўтиши билан қорояди. Уни оқартириш учун сода ёки туз ва уксус билан артинг.

* * *

Пичоқни иссиқ сувда ювиш тавсия этилмайди. Уни ярақлатиш учун картошка бўлаклари билан артинг. Пичоқни ош тузи эритмасида 30 дақиқа тутиб турсангиз, чархлаш осон бўлади.

* * *

Крахмал эритмасига озгина сут қўшсангиз кийим дазмолланганда ярақлаб кетади.

* * *

Мевани гўшт майдалагичдан чиқаришда сувлари сачраб кетмаслиги учун ускуна оғзига пластик пакетни резинали халқа билан боғлаб қўйинг.



* * *

Костюм, плашч ва бошқа кийимларнинг кирланиб кетган ёқа ва енглари нашатир спиртда яхши тозаланади.



Яшил боғлар баргин тўкканда
Кексайганин тан олар ялпиз.
Кенг далалар тилга кирганда —
Шодлигидан тўлишади Куз...

Шоназар ИБРОҲИМОВ олган сурат.

Қайтар дунё

ЎҒЛИМИЗНИНГ ТУҒИЛГАН КУНИ

... Ҳаёт мураккаб. Инсон бошига кулфат тушганда бу ҳақда кўпроқ ўйлайди. Тақдир кишини не кўйларга солмайди. Фақат унинг оғир ситамларига бардош бериш, кўнгил майли-ю, енгил-елпи ҳаётдан ўзни тия билиш керак. Шодлик билан кулфат, бахт ва бахтсизлик ораси бир қадамдир. Дунёнинг ўз қонунияти бор: тақдир қаршисида шоҳу гадо баробар. Гоҳида пешонангга нима ёзилган бўлса шуни кўраверасан, дея киши ўз-ўзига таскин беради. Аммо бундай мушкулот ечими ўз қўлимизда экани гоҳида ақл тарозусидан тушиб қолади.

Акрамнинг кўнглидан шундай ўй-кечинмалар кечаркан, ўзидан нафратланди. У ҳаётни фақат ҳою-ҳавас деб ўйлар, оғирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтишга ўрганиб қолганди. Кунини яхши ейиш-ичиш, кўнгилхушлик билан ўтказарди. Ўзига яраша ошна-оғайнилари, танишлари, «окахон»лари бисёр эди. Лекин ҳар нарсанинг ҳам чеки бор. Мана, ҳозир эшикка термулиб ўтирибди. Ҳолидан хабар олгувчи йўқ.

«... Хотинимдан жудо бўлдим. Ўз пушти камаримдан бўлган фарзандларим ҳам энди мендан йироқда... Ҳаммасига ўзим сабабчи, ўзим гуноҳкорман. Аслида ҳаётимнинг қувончи оилам, фарзандларим экан. Наҳотки, шунчаликка бордим, ҳаммасига шу «оғу» сабабми... Афсус, бу кўз қурғур жуда кеч очилди, жуда кеч тушуниб етдим. Турмушим пойдеворига болта урдим. Энди бу вайрона ичида танҳоман... Ҳаёт мендек нонкўрдан шафқатсиз ўч олаяпти. Қанийди, ҳаммасини қайтадан бошласам, Ирода... Ирода... нималар қилиб қўйдинг. Мени шу кўйга ташлаб кетганингдан кўра... Сен билан... бирга бўлганим яхшимасми? Мен сени хароб қилдим, мен сени бевақт сўлдирдим... Мен... Мен...»

У ҳаммасини яна бир бор хотирлашга уринди. ... Ўша куни у Муҳайё билан уйига келди. Чунки уйда Ирода йўқ, У болаларини олиб отасиникига кетган, бугун келмайди. Бундан унинг кўнгли хотиржам. Агар хотини сезиб қолса борми? Йўқ, йўқ... ундай бўлиши мумкин эмас. Ҳаёлига келган фикрдан ўзи ҳам қўрқиб кетди. Сўнг ўжар бир туйғу кўнглига ғулу солди: «Нима қипти? Нима камим бор? Еганим олдимда, емаганим...»

Акрам хиёнат остонасини босар экан, маъшум ҳирс устун келди. Бу оний ҳолат уни бир умрлик виждон азоби, афсус надоматлар қаърига тортиб кетиши билмасди...

... Ирода отасининг уйида ҳам хотиржам ўтиролмади. Негадир безовталанди. Онасининг: «Ётақол болам, эртага кетарсан», дейишига қарамай, болалари билан уйига жўнади.

... Ярим тунда оҳиста эшик очилди. Акрам сергак тортди. Гандираклаб ётоқхонадан йўлакка чиқди. У не кўз билан кўрсинки, остонада хотини ва болалари туришарди. Демак... Ирода ҳаммасидан хабардор, атайин отасиникига кетган... Ҳаёлидан яшин тезлигида шу ўй ўтди. «Шунга шунча ғалвами? Ҳа, эркакчилик... Юрагида хотинига нисбатан ўтинч-у ғурур ўзаро курашарди.

— Ирода... тўхта... ҳозир тушунтираман, — деди Акрам ғудраниб. Остонада болалари билан куймаланаётган хотини авалига ҳеч нарсани англамай, эрининг кўзларига тикилди.

— Нимани? — деди аёл юраги ҳапқириб. Сўнг: — Биз келдик, сиздан хавотир... Шундай дея аёл кишининг оёқ кийимига кўзи тушиб, чайқалиб кетди. Қўрқа-писа ичкарига қаради. Меҳмонхона тартибсиз, дастурхонда коньяк, ароқ... Шуурига чақмоқдек урилган фикрдан даҳшатга тушиб ётоқхона томон қадам ташлади... Ирода уйдаги аҳволни кўрди-ю, ўзини йўқотиб қўйди. Устидан биров совуқ сув қуйгандек гангиб қолди. Тили калимага келмай «хиёнаткор», «хиёнаткор» деб пичирларди холос. Фарзандлари гоҳ отасига, гоҳ онасига мўлтираб қараб аҳволни тушунишолмасди.

Эртасига эса... Иродани оғир аҳволда шифохонага келтиришди. Шифокорлар зир югуришарди. Лекин... Ирода касалхонада ҳаёт билан видолашди. Шифокорларнинг барча ҳаракати зое кетди. Ўткир заҳар ўз ишини қилиб улгурган экан... Учта фарзанд етим қолди. Энди у на учта бўзлаётган мурғак қалбнинг нидосини, на «адашган» эрнинг тазаррусини эшитади...

Акрамни идорада ҳамма ҳурмат қиларди. У талабчан ва ғамхўр раҳбар эди. Муҳайёни котибаликка олдию, айниди-қолди. Тез-тез ўйга ичиб келадиган, йўқ нарсадан жанжал кўтарадиган, хотинини ҳақоратлайдиган одат чиқарди. Ҳатто, бир-икки марта Ироданинг «жавоб»ини ҳам берди. Лекин Ирода бунга чидаб келар, ўзидан ўтганини ўзи биларди. Акрамнинг бирдан ўзгарганини, «котибаси зўр»лигини бир неча бор қўшниларидан эшитганди. Аммо бунга ишонмас, Акрамни оқ кўнгил, вафодор деб ўйларди.

... Фожеа содир бўлганидан кейин болаларини қайнонаси олиб кетди. Акрам уларни соғинар, мунчоқдек кўзларию, эрқаланишларини қўмсаб, изтироб чекарди. Қайнонаси фарзандларининг қорасини ҳам унга кўрсатмайди. Ҳаёт уни аёвсиз савалар, ўзи чигаллаштирган тугуннинг ечимини тополмай, тушкун аҳволда ўзини ҳар ёққа урарди. Афсус... кеч... У кечагина ким эдию, бугун ким бўлди? Давраларнинг тўри уники эди, ҳамма унга қуллуқ қиларди. Ўзидан ёши улуғлар ҳам «ока» деб мурожаат қилар, бундай хушомадлар Акрамга хуш ёқарди. Хулласи, ошиғи олчи эди. Бугун эса ҳаммаси барбод бўлди.

Акрам ўтган кунларни хотирлар, ширин турмушини, охир-оқибат ўша машъум ўлим унинг хаёлида гавдаланди. Мана бугун ҳам шундай изтиробли ўйлар билан курашиб кўзи тонгга яқин илинди. Тушида:

... — Адаси, бугун қандай кун? — дермиш унинг бошида пайдо бўлган Ирода. Акрам эслашга уринди: — Йўқ тополмади. — Оддий кун... — деди зарда билан. Ирода аразлаб кета бошлади. — Тўхта, Ирода, тўхта... У тўхтади: — Бугун ўғлимизнинг туғилган куни.... У шундай дея кўздан ғойиб бўлди.

Акрам барвақт туриб отланди. Ўғли Акмалга «ваъда» қилган катта машинани олади. Акрам шундай ўй билан «Болалар дунёси»га йўл олди. У турмушнинг аччиқ сабоғини ўқиб, келажакка маҳзун шўнғиб борарди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0490.

Навбатчи муҳаррир Х. НОСИРОВ, навбатчи Р. ШОДИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.

1 2 3 4 5 6.